

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

136 (1656) 10 июль, 1960 йил, якшанба Баҳоси 20 тийин.

СОВЕТ-АВСТРИЯ ҚУШМА АХБОРОТИ

Австрия Федерал Президенти доктор А. Шерфнинг, шунингдек Федерал Канцлер инженер Ю. Раабнинг ва вице-канцлер доктор Б. Питтерманинг таклифларига биноан, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Австрияда расмий визит билан 1960 йил 30 июндан 8 июлга қадар меҳмон бўлиб турди. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, маданият министри Е. А. Фурцева, таъқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Советининг Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. А. Степанов, СССРнинг Австриядаги элчиси В. И. Авилон ва бошқа расмий шахслар ҳамроҳлик қилдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Австрия Республикасининг Федерал Президенти доктор А. Шерф, Федерал Канцлер инженер Ю. Рааб, вице-канцлер доктор Б. Питтерман ва Австрия ҳукумати-нинг бошқа аъзолари билан ушайди ва суҳбатлар ўтказди. Суҳбатларда Австриянинг СССРдаги элчиси доктор Г. Хаймерле, раҳбар ходимлар ва экспертлар ҳам қатнашдилар.

Суҳбатларда совет томонидан Министрлар Совети ичининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, маданият министри Е. А. Фурцева, таъқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Советининг Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. А. Степанов, таъқи савдо министри-нинг ўринбосари С. А. Борисов, СССРнинг Австриядаги элчиси В. И. Авилон, Таъқи ишлар министри-нинг уинчи Европа бўлимининг мудри И. И. Ильичев қатнашдилар.

Венада ҳам, шунингдек мамлакат вилоятлари — Қуйи Австрия, Юқори Австрия, Зальцбург, Каринтия ва Штирия бўйлаб сайҳат қилиб юрган вақтда ҳам СССР ҳукуматининг бошлиғи Федерал Канцлер инженер Ю. Рааб ҳамроҳлигида юриб, бир қанча саноат, маданият, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий қорхоналар ва муассасалар билан танишиб, шунингдек Австрия туризми жойларини бориб кўриш имкониятига эга бўлди. СССР Министрлар Советининг Раиси сойбқ қамоқ лагери Маутхаузенда Австрия томони уюштирган митингга қатнашиб, бу митингда Федерал Канцлер инженер Ю. Рааб, Миллий кенгаш раиси доктор Л. Фиғль ва вице-канцлер доктор Б. Питтерман, ички ишлар министри И. Адрич ва Федерал ички ишлар министрлигининг статс-секретари Ф. Грүбхоффер, шунингдек Австрия Қаршилик ҳаракати қурашчиларининг ва қамоқ лагерларидаги сойбқ маҳбۇсларининг делегациялари ҳозир бўлдилар. СССР Министрлар Совети Раиси ёлдорликларга гулчамбарлар қўйди.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари уруш тамом бўганидан кейин тиклаш ишлари бажарилаётганини ва давлат шартномаси тузилганидан кейин мамлакат итисодий жиҳатдан ривожланганлигини кўриб, шахсан қаноат ҳосил қилдилар. Ҳукумат маъмурали ва аҳоли уларни дўстона кутиб олди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан Федерал Канцлер инженер Ю. Рааб бошчилигида Австрия Федерал Ҳукумати аъзолари ўртасида бўлган суҳбатлар дўстона вазиятда ўтди.

Ҳар иккала томон ақидилик билан шун қайд қилдиларки, турли ижтимоий система-лардан ва идеология қарашларидан қатъи назар, давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини ётириб қилиншига асосланган Совет-Австрия муносабатлари ўзаро ҳурматлаш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик негизига ҳар иккала томон учун қаноатланури равишда ривожланиб келди. Ҳар иккала давлат ўртасида ҳал қилинмаган сиёсий проблемалар йўқ.

Суҳбатлар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар мамнуният билан шун қайд қилдиларки, СССР билан Австрия ўртасидаги савдо-сотиқ яхши ривожланиб бормоқда, бунга савдо ва кема-лар қатнови тўғрисида битим, товар обороти тўғрисида ва тўловлар тўғрисида 1955 йил 17 октябрда битим тузилганлиги ҳамда СССР билан Австриянинг 1958—1960 йилларда бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли битим тузилганлиги ёрдам берди.

Ҳар иккала томон, ҳар иккала давлат ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос бўлиб тургани, деган фикрга келдилар.

Шу нарса қайд қилиндики, совет таъқи савдо ташкилотлари кўмир, темир руда, марганец ва хром рудалари нефть ва нефть маҳсулотлари, дон, пахта, машиналар ва ускуналар сингари товарларни ҳамда бошқа бир қанча товарларни Австрияга экспорт қилишни кўпайтиришлари ҳамда шунга мувофиқ, Австриянинг қора металллар прокати, кабель буюмлари, пулат сим, турли хил машиналар ва ускуналар, шунингдек ит-ролақлар, юпқа фанера, сунъий ипак калаваси ва газ-лампа-лар, иланган чарм, пойафзал ва бошқа шу сингари товарларни харид қилишни кўпайтиришлари ва шу тариқа яхши йиллар ичиди ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ анча кўпайтирилади. Шу маъ-садада Томонлар бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисида 5 йил муддат билан узоқ муддатли янги битим тузиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ Индонезия Республикаси ҳукуматининг биринчи министри Р. Х. ЖУАНДА Картавижайяни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР ҳукумати-нинг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикаси ҳукумати-нинг биринчи министри Р. Х. Жу-анда Картавижайяни 9 июлда қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Р. Х. Жу-анда Картавижайя ўртасидаги суҳ-бат дўстона, самимий вазиятда ў-тди. Суҳбатда Совет-Индонезия муно-сабатларига доир масалалар тўғри-сида, шунингдек ҳозирги халқаро

Шундай қарорга келиндики, мазкур даврда ўзаро етказиб бериладиган товарларнинг рўйхатларини кели-шиб олмақ учун 1960 йил сентябрь ойида ҳар иккала мамлакатнинг савдо ташкилотлари ўртасида музокара-лар ўтказилди.

Совет Иттифоқи томонидан Австрияга берилган саноат қорхоналари аэзига Австрия томонидан товарлар етказиб бериш 1961 йил июль ойида тамом бўлиши муносабати билан совет томони худди шундай товар-ларни савдо битими бўйича бундан буён ҳам харид қила беришга розилик берди. Аммо бунинг учун Ав-стрия Совет товарларини харид қилишни тегишли ра-вишда кўпайтиришни шарт қилиб қўйилди. Басма-салаҳат шундай фикрга келиндики, бу хусусдаги амалий чора-лар ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли янги битим тузиш ҳақида олиб бериладиган музокара-лар вақтида муҳокама қилинади.

Ҳар иккала томон ўзаро савдо муносабатларида сав-до ва кема-лар қатнови тўғрисида амалдаги Совет Австрия шартномасида қайд қилинган принципнинг—ўзаро энг кўп қулайлик бериш принципининг сақланиб қолиши муҳимлигини яна бир марта уқитиб ўтилди.

Совет ҳукумат делегацияси Австрияда бўлган вақти-да Австрияга берилган нефть қорхоналари аэзига Австрия нефтини етказиб бериш масаласи кўриб чи-қилди. Шу билан бирга, Томонлар бу нефть маъжуд битимларга тўла мувофиқ равишда етказиб берил-аётганилини қайд қилдилар.

Шу масалани муҳокама қилиш натижасида Совет ҳукумати ҳар иккала мамлакат ўртасида вузужда кел-ган дўстона муносабатларга асосланиб, Австрия ҳуку-матининг илтимосини қондиришга рози бўлди ва То-монлар қуйидаги қарорга келдилар:

а) 1958 йил 24 июлдаги Совет-Австрия ахбороти-га мувофиқ, ҳар иккала томоннинг ҳар йил бир-бирига нефть етказиб бериш — Австрияга ҳар йил 500.000 тоннадан совет нефтини, Австрия эса, Совет Иттифоқи-га ҳар йил 500.000 тонна ўз нефтини етказиб бериши 1961 йил июль ойидан бошлаб тўхтатилин.

б) Яна шундай қарорга ҳам келиндики, 1955 йил 12 июлдаги битимга ва 1958 йил 24 июлдаги Совет-Австрия ахбороти-га биноан, Австриядан етказиб бе-ри-лаётган нефтининг қолган миқдорини ҳар йил 500.000 тоннадан Совет Иттифоқи-га етказиб бериш 1964 йил июль ойидан бошлаб, яъни белгиланган муддатдан бир йил олдин тўхтатилади.

Маданият масалалари устида олиб бори-лган музо-кара-лар вақтида шу вақтгача бўлиб келган маданий айирбошлар ҳар иккала томоннинг истакларига ва ниятларига тўла равишда мос бўлиб тўшаётганлиги аниқланди. Томонлар маданий ва илмий техникавий айирбошларни янада кенгайтиришга ўзларининг итти-лаётганликларини таъкидладилар ва ҳар иккала мам-лакат ўртасида маданий ақиллашишга қаратилган ҳар қандай ташаббусни рағбатлантиришга, маданият ва фан арбобларининг бир-бирларига сафар қилиб бориш-лигига ва бир-бирлари билан учрашувларига кўма-қлаштишга розилик билдирдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси суҳбатлар вақ-тида халқаро сиёсатнинг ҳал қилинмаган проблемалари юзасидан СССРнинг позициясини тушунтириб берди. Ҳар иккала томон, Австриянинг доимий бетарафлиги халқаро кескинлигини юмшатиш ва тинчликни мустах-камлаш ишига қўшилган ижобий ҳисса бўлаётир, деб ҳисоблайдилар. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, Совет Иттифоқи Австриянинг бетарафлигини ва мустақиллигини ҳурматлайди, деб айтди.

Ҳар иккала томон басмасалаҳат шу фикрга келди-ларки, ёписаси, батамом ва контроль остидаги қурос-сизланиш ҳозирги замоннинг жуда муҳим ва кечикти-риб бўлмайдиган проблемасидир. Улар қуроссизланиш масаласининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1959 йил 20 ноябрдаги резолю-циясига мувофиқ ижобий ҳал қилинишни учун ўз кўл-ларидан келган ҳамма чораларни қўядилар, бу маса-ларнинг ҳал қилиниши уруш хавфини йўқотишга ёрдам берган бўлур эди ва эфр бериб қуросланиш билан бег-лиқ бўлган оғирликлардан халқларни озоқ қилган бў-лур эди. Томонлар шу нарсага аминдиларки, ядро си-новларини тақиқлаш тўғрисида битимга келиш қурос-сизланиш проблемасини ҳал қилиш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур эди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Гер-мания билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал қилиш масаласида Со-вет Иттифоқининг позицияси тўғрисида Австрия ҳуку-матига ахборот берди.

Пировардида, ҳар иккала томон СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг сафари муваффа-қиятли бўлиб чиққанлигидан ўзларининг мамнун бўл-ганликларини билдирдилар, бу эса, тинчлик ишига ва Совет-Австрия муносабатларини янада ривожлантириш-га, Совет ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳис-садир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи министрлар Совети Раиси.

Н. ХРУШЧЕВ.
Австрия Республикасининг Федерал Канцлери
Ю. РААБ.
Австрия Республикасининг вице-канцлери
Б. ПИТТЕРМАН.
Вена, 1960 йил 8 июль.

аҳвол масалалари тўғрисида гапла-шилди. Фикр олинуш давомида ҳозирги вақтда жаҳон олдиди турган проблемалар ва айниқса қуроссиз-ланиш проблемаси тўғрисида ҳар иккала томоннинг тўла ҳамжиҳат-лиги аниқланди. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг Венада матбуот конференцияси

ВЕНА, 8 июль. (ТАСС). Бугун Венадаги Хофбург саройида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг матбуот конференцияси бўлди.

Жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган юзлаб журналистлар Хофбург саройининг катта залида тўпланди-лар.

Венадаги матбуот конференциясида Н. С. ХРУШЧЕВнинг кириш сўзи

Жаноблар, ўртоқлар, дўстлар! Мен у ёки бу мамлакатга бора-нимда, сиз журналистлар билан суҳ-батлашмоқ учун ушайиш бизда одат бўлиб қолди. Бу гал ҳам шундай қиламиз.

Австрияда бўлиш вақтиниз тугаб келмоқда, шу сабабли мен Австрия-дан олган таассуротларим тўғриси-да, бу ерда давлат арбоблари билан — Федерал президент Шерф, федерал канцлер Рааб, вице-канцлер Питтерман, Миллий кенгаш раиси Фиғль ва Австриянинг бошқа расмий шахслари билан бўлган учрашува-ларимиз ва суҳбатларимиз тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқ учун бутунги учрашувдан фойдаланмоқчи-ман.

Австрияда бизни ҳамма жойда ях-ши кутиб олишди. Сайҳат қилиб юр-ган вақтимизда, баъзи замонавий саноат қорхоналарини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мар-каларини, маданият муассасаларини кўриб чиқдик. Биз кўпгина қизикар-лиқ нарсаларни ва, айтишим керак-ки, фойдали нарсаларини кўрдик.

Мамлакатларимиз бир-бирдан ҳар қанча фарқ қилганига қарамай, биз-

Н. С. Хрушчев, А. Н. Косигин, Е. А. Фурцева, А. А. Громико ва Н. С. Хрушчевнинг бошда ҳамроҳла-ри залга кириб келишлари билан ҳозир бўлганлар уларни ўринларидан турли қизгин қарсақлар билан кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев матбуот вакилла-рига қуйидаги кириш сўзи билан му-рожаат қилди.

Венадаги матбуот конференциясида Н. С. ХРУШЧЕВнинг кириш сўзи

Жаноблар, ўртоқлар, дўстлар! Мен у ёки бу мамлакатга бора-нимда, сиз журналистлар билан суҳ-батлашмоқ учун ушайиш бизда одат бўлиб қолди. Бу гал ҳам шундай қиламиз.

Австрияда бўлиш вақтиниз тугаб келмоқда, шу сабабли мен Австрия-дан олган таассуротларим тўғриси-да, бу ерда давлат арбоблари билан — Федерал президент Шерф, федерал канцлер Рааб, вице-канцлер Питтерман, Миллий кенгаш раиси Фиғль ва Австриянинг бошқа расмий шахслари билан бўлган учрашува-ларимиз ва суҳбатларимиз тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқ учун бутунги учрашувдан фойдаланмоқчи-ман.

Австрияда бизни ҳамма жойда ях-ши кутиб олишди. Сайҳат қилиб юр-ган вақтимизда, баъзи замонавий саноат қорхоналарини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мар-каларини, маданият муассасаларини кўриб чиқдик. Биз кўпгина қизикар-лиқ нарсаларни ва, айтишим керак-ки, фойдали нарсаларини кўрдик.

Мамлакатларимиз бир-бирдан ҳар қанча фарқ қилганига қарамай, биз-

фазтларига, Европада тинчликни сақлаш манфаатларига мос бўлиб турмоқда.

Австрия Республикаси ҳукумати-нинг раҳбарлари билан олиб борган музокараларимизнинг натижаларини бизнинг сизлар сабрсизлик билан кутаётган бўлсаларингиз керак. Шу-ни айтишим керакки, биз батафсил фикрлашиб олдик. Суҳбатларда биз Совет-Австрия муносабатларининг бир қанча муҳим масалаларини му-ҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва яхши қўшни-чилик муносабатларини янада мус-таҳкамлаб бериш, иқтисодий ва ма-даний алоқаларни ривожлантира бери-ш керак, деган фикрга ҳам кел-дик.

Биз мамлакатларимизни қизиқти-раётган бир қанча муҳим халқаро масалалар устида ҳам фикрлашиб олдик. Ўзаро бўлиб ўтган фикрла-шувлар фойдали бўлди.

Олиб борган музокараларимиз на-тижалари тўғрисидаги тағин ҳам тўлиқроқ маълумотларни сизлар яқин фурсатда эълон қилинадиган ахбо-ротдан ўқиб биласиз.

Мен фақат совет томонининггина вакили бўлганлигим сабабли, совет томонидан шун айтишим мумкинки, биз бўлиб ўтган музокараларнинг натижаларидан мамнунимиз. Австрия Республикасининг давлат раҳбарлари билан олиб борган суҳбатларимиз социал-иқтисодий система-лари тур-лича бўлган давлатларнинг бир-бир-лари билан тинч-тотув яшашлари ва ҳамжиҳат бўлишлари мумкин-лигини ва зарурлигини яна бир марта яққол таъкидлади.

Совет-Австрия музокараларининг натижаларидан совет халқи ҳам,

шунингдек Австрия халқи ҳам мам-нун бўлдилар, деб ўмид қилиш мумкин.

Австрияга қилган сафарларимиз-нинг асосий натижалари, қисқа қи-либ айтилганда, мана шунлардир.

Совет ҳукумати халқаро кескин-лиқни юмшатишга бундан буён ҳам эфр бериб ҳаракат қила беришни, тинч-тотув яшаш принциплари асо-сида ҳамма мамлакатлар билан иқ-тисодий ва маданий алоқаларни ри-вожлантира беришга ўзининг таъқи сиёсат соҳасидаги асосий вазифа-си деб билимоқда. Ўз-ўзидан маълумки, у ёки бу мамлакатларнинг агресив доиралари томонидан ҳарбий итти-воқарлар қилиш йўлидаги ҳар қан-дай уришларга қақшатқич зарба бера берамиз.

Пировардида, ўз номимдан ва Австрияда менга ҳамроҳ бўлиб юр-ган ҳамма ўртоқлар номидан федерал президент жаноб Шерфга, федерал канцлер жаноб Раабга, вице-канцлер жаноб Питтерманга, бутун Австрия халқига бизни самимий ҳурматлик ва чин қўнгилдан меҳмондўс-тилик билан кутиб олганликлари учун, бизга нисбатан ғамхўрлик ва илтифот кўрсатганликлари учун чу-қур ташаккур наҳор қиломқчи-ман.

Энди мен сизларнинг иктибериңиз-даман. Австрия бўйлаб қилган сай-ҳатимда менга ҳамроҳ бўлиб юрган баъзи мухбирлар бир қанча саволлар юзасидан кўйилганликларини менга айт-тишди. Бироқ, бу ҳол сизларнинг бу ерда менга ўзларингизни қизиқтир-ган бошқа саволларни ҳам озаки ёки ёзма ҳолда беришларингизга ҳалақит бермайди.

Сўнгра, Н. С. Хрушчев мухбир-ларнинг жуда кўп саволларига жа-воб берди.

Австрияга қилинган сафардан нейин

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Австрияга қил-ган давлат визити тугади. Меҳмон-дўст мамлакатда тўққиз кун бўлган-нидан кейин у ўзига ҳамроҳ бўлган ки-шилар билан бирга 8 июлда Мос-квга қайтиб келди.

Н. С. Хрушчев Австрия ҳукума-тининг таклифига биноан ана шу мамлакатда меҳмон бўлиб турди. Бу визит австрияликлар орасида жуда катта қизиқиш туғдириди. Улар совет боти министрини жуда катта под-хурамлиқ билан кутиб олдилар. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев тинчлик ҳамда ҳал-қалар ўртасидаги дўстликни мустах-камлаш ишига янги ажойиб ҳисса қўшди. Венада, Лиццда, Зальцбург-да, Грацда, хуласа Австриянинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида халқ совет мамлакатига ва унинг вакили Н. С. Хрушчевга бўлган ўзининг ҳу-ринлигини наҳор қилди. Федерал канц-лер Юлиус Рааб Совет ҳукумати бошлиғининг сафаридан жуда мам-нун эканлигини айтди. Канцлер ҳа-миша яхши бўлиб келган Совет-Ав-стрия муносабатлари бундан буён

Москваликлар Н. С. ХРУШЧЕВни қизгин табриклагоқдалар

ҳам муваффақиятли ривожланади, деб ишонч билдирди.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида мос-кваликлардан неча юзлаб киши тў-планган эди. Заводлар, фабрикалар ва янги қурилишларнинг вакиллари, фан ва маданият арбоблари бу ерга келган эдилар. Уларнинг ҳаммаси Совет ҳукумати бошлиғини табрик-лагоқ учун бу ерга келган эдилар.

СССР Министрлар Советининг Ра-исини А. Б. Аристов, Л. В. Бреж-нев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян ўртоқлар, СССР Элий Со-вети Президиуми Раисининг ўринбо-сарлидан Н. Н. Органов ва Г. Ку-лаков, СССР Министрлар Совети Ра-исининг ўринбосарларидан А. Ф. Зас-ядько ва В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР ва РСФСР ха-мистрлари, КПСС Марказий Коми-тетининг аъзолари ҳамда КПСС Мар-

казий Комитети аъзоллигига канди-датлар, СССР Давлат комитетлари-нинг раислари, Совет Иттифоқи мар-шаллари, Москва ҳамда Москва об-ла-ласти совет ва партия ташкилотла-рининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети-нинг масъул ходимлари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, аъ-лчионаларнинг ходимлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди-лар.

Кумушранг «ИЛ-18» ҳаво лайне-ри ерга қўнар экан, аэровокзалга ақиналашди. Н. С. Хрушчев самолёт-синаловасига чиққанда гулдурос қарсақлар янграйди. Москваликлар тинчлик ва дўстлик миссияси му-ваффақиятли тавомланганлиги билан уни табрикладилар.

Н. С. Хрушчев билан биргаликда унинг оқласи ва сафар вақтида ун-га ҳамроҳ бўлган СССР Министрлар

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

Она-Ватанга 500 минг тонна пахта берамиз

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети фарғона-лик ўзаро текшириш бригадаси колхозларда, РТС ва совхозларда гўзаланиш натижасида қулоқ-лини тутатиш соҳасида йўл қўйилаёт-ган жиддий камчиликларни тўғри кўрсатиб беришда катта ишлар қи-лдилар, деб ҳисоблайди.

Район партия ва совет ташкилот-лари, колхоз, совхоз ва РТСларнинг раҳбарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети учинчи пленуми қарорла-рини амалга оширишда етарли таш-килотчилик ишлари олиб бормали-лар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги ишлари жуда су-ет ва ҳаддан ташқари сифатсиз ўткази-лимоқда. Маълумки, ҳозирги энг муҳим вазифа гўзани кечало-қундуз қониб сув ичинини таъминлашдан иборат. Бироқ Бўёк, Пискент, Янги-йўл, Чиноз, Сирдарё районларида бу соҳадаги бажарилаётган ишлар та-лабга мутлақо жавоб бера олмайди, ҳалига қадар биринчи суғориш та-мо-лангани йўқ, иккинчи суғориш ҳам жуда секинлик билан ўткази-моқда. Шунинг натижасида айрим участкаларда гўза дастлабки тўлла-ган ҳолини тўкиб юбораётди.

Гўза қатор ораларини трактор би-лан ишлаш анча кечиктиб ва сифат-сиз ўтказилмоқда. Буни Бекобод, Бўёк, Пискент, Окқўрғон, Чиноз рай-онлари ва Янгир шаҳри колхоз ва совхозлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Оққўрғон, Бекобод, Урта Чирчиқ, Чиноз, Пискент районларидаги кўп-гина хўжаликларнинг раҳбарлари жа-ҳаллий ўғитнинг қадрига етмаётир-лар. Улар гўнг ташиб чиқариш ва уни тупроққа аралаштириб солиш, шу йўл билан гўзаларини ривожлани-шини тезлашти, шол, гул ва ҳатто кўсақларнинг тўқилишига йўл қўй-маслик чораларини кўрмаётирлар.

Ўзаро текшириш бригадаси кўп-гина

Фарғона область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг Тошкент области колхоз ва совхозларида социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлигини текшириш якунлари

на пахта майдонларининг ўт босган-лигини аниқладилар. Бу кўнгилсиз аҳвол гўзаларининг нормал ривожла-нишига имконий бермапти. Айниқса Окқўрғон районидида «Ленинобод» (раиси ўртоқ Юнусов), Бўёк райони-даги «Ленинобод» (ўртоқ Дожаков), «Ленин йўли» (ўртоқ Иброҳи-мов), «ХИ партсъезд» (ўртоқ Душа-бов), Пискент районидида Жанов номи (ўртоқ Т. Дўстбеков), Урта Чирчиқ районидида Максим Горький номи (ўртоқ Мухамедов), Орхон-ку-деб номи (ўртоқ Пақ), Янгийўл районидида «XXI партсъезд» (ўртоқ Тўйчиев), Чиноз районидида Навоий номи (ўртоқ Рустамов), Бекобод районидида «Победа» (ўртоқ Абдура-химов), Даржинский номи (раиси Шукрулиев) колхозларда, «Пис-кент» (директори ўртоқ Киселев), «Мирзачўл» (ўртоқ Бегимқулов), 1-«Далварзин» (ўртоқ Мирдодиев), Киров номи (ўртоқ Турсунбоев), «Чанок» (ўртоқ Игнатенко) совхоз-ларда асосий майдонлардаги гўза-ларни ёввойи тўкиб кетган.

Янгийўл, Чиноз, Окқўрғон, Бек-обод районларининг колхоз ва сов-хозлари раҳбарлари

Она-Ватанга 500 минг тонна пахта берамиз

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

3. Область қишлоқ хўжалик бosh-
дармаси (Ўртоқ Руцкий) область су-
горш системаси бoshдармаси (Ўртоқ
Полонов), Интиер шаҳар партия ко-
митети ва район партия комитетлари,
шаҳар ижроия комитетлари ва район
ижроия комитетлари, РТС ва сов-
хозларнинг директорлари, колхозлар-
нинг правленнелари зиммасига июль
ва август ойи ичида қуйидагиларни
амалга ошириш мажбурияти юклати-
лган.

а) бўзанинг талабларини ҳи-
собга олган ҳолда суғоришни тўғри
ташқил этиш, уларни қанчаб қолгани
ёки қўлатилиб суғоришга йўл қўй-
маслик, суғоришни сифатли ўткази-
лишини қатъий контроль қилиш ва
суғорил шохобчаларидан рационал
фойдаланиш;

б) июль ойида бўза қатор орала-
рига қамиди икки марта узунасига
ва қўдалангига ишлов бериш, куль-
тивациони тупроқни чуқур олган
ҳолда сифатли ўтказишга эришиш;
август ойида эса бўза қатор орала-
рига бир ярим марта икки томонлама
ишлов бериш;

в) 15 июлга қадар азот минерал
ўғитларини ташкил келтириш ва бў-
зани минерал ўғитга бўз ара-
лаштириб озиқлантиришни ташқил
этиш;

Бунда ҳар гектар ерга 1,5—2
тоннадан маҳаллий ўғит соданишини
таъминлаш ҳисобга олинсин.

г) барча участкаларда бегона ўт-
лар йўқ қилиб ташлансин, токи бир
он гектар ерда ҳам ўт тубайли бў-
занинг ўсимидан қолганига йўл қў-
йилмасин;

д) ўғитмаккана ва ширага қарши
кескин кураш чоралари қўрилсин,
токи ҳар қандай шароитда ҳам пахта
ҳосили қишлоқ хўжалиги зарар-
кунадалари тубайли нобуд бўлиши-
га йўл қўйилмасин. Тўлиқ кўскалар
тўллаш мақсадига бўза чеканкасини
ўз вақтида ўтказиш, унинг тўқили-

шига йўл қўймаслик ва ҳосилнинг
эрта етилишини таъминлансин.

4. Шаҳар ва район партия ко-
митетлари, колхоз ва совхозлар
раҳбарларининг эътиборини қолқ
бригадаларни ўрта ва илгир бригада-
лар даражасига етказиб олиш учун
тезда зарур чоралар қўришга жалб
этилсин. Бешкунлик муддат ичида
қолқ бригадаларнинг бўзалари бир
қатор бўзлан кечирилиб чиқилиб,
текиририш натижалари район партия
комитетлари бюросида муҳокама қи-
линсин ва бу бригадаларда зиммага
олинган социалистик мажбуриятини
бажарилиши учун тегишли ёрдам
берилсин.

5. ЎзКП Бўза район комитетида
15 кунлик муддат ичида «ХХ парт-
съезд» колхозига, бўза парвариши-
нинг қандай бораётганини текши-
риб чиқиш ва ўртоқ Жумабоевнинг
колхоз раислиги вазифасига қўлиш
ёки қолмаслигини ҳал қилиш вазифа-
си юклатилсин.

6. Барча партия ташкилотлари,
совет ва қишлоқ хўжалик органла-
рининг энг зарур хўжалик-сиёсий
вазифаси — машина билан пахта
теришга ўз вақтида ва сифатли
тайёргарлик қўришдан иборатдир,
деб ҳисоблансин. Бунинг учун ҳар
бир район, колхоз, РТС ва совхозда
1 сентябрдан кечикмай барча пахта
териш машиналарини тўла ремонт-
дан чиқариш ва механик-ҳайдовчи
кадрларни тайёрлаш лозим.

7. Область қишлоқ хўжалик бosh-
дармаси «Гавторгмаш»нинг конто-
раси, район партия комитетлари ва
район ижроия комитетлари, РТС ва
совхозларнинг директорлари, кол-
хозларнинг правленнелари зиммаси-
га пахта териш ва тайёрлаш тадбир-
ларини ишлаб чиқиш ва бу тадбир-
ларни 5 августга қадар область
партия комитетига қўриб чиқиш
учун топириш вазифаси юклатил-
син.

Илюхин, Мирзараҳимов ўртоқлар-
га, «Хлопкоуловпром» бoshдармасига

(Ўртоқ Нормухамедовга) заводлар-
ни ва пахта тайёрлаш пунктларини
янги ҳосили қабул қилишга тайёр-
лаш тадбирларини амалга ошириш
топириласин.

8. Область қишлоқ хўжалик бosh-
дармаси, шаҳар ва район партия
комитетлари, шаҳар ва район ижроия
комитетларида ўн кун муддат ичида
колхоз ва совхозларда чорвачилиқни
ривожлантириш бўйича социалистик
мусобақанинг ярим йиллик якуини
қўриб чиқиш топириласин.

Шу билан бир вақтда луб экин-
лари ҳосилини ошириш ва уни дав-
латга сотиш, сабзавот, полиз экин-
лари, картошка, мева ва узум етиш-
тириш бўйича социалистик мажбу-
риятини бажарилиши учун барча
зарур чоралар қўрилсин.

9. Комплекс механизацияни иш-
лаб чиқаришга кенг жорий қилиш
асосида, маҳсулотнинг танларини
кескин қамайтириш йўли билан
пахта ҳосилдорлигини ва меҳнат
унумдорлигини ошириш учун кол-
хозчилар ва совхоз ишчилари ўрта-
сида социалистик мусобақани кенг
ажв олдириш колхоз ва совхоз бош-
ланғич партия ташкилотларининг
энг муҳим вазифаси деб ҳисоблан-
син.

10. Шаҳар ва район партия ко-
митетлари, колхоз ва совхозларнинг
бошланғич партия ташкилотларидан
далада ишлаётган колхозчиларга,
совхоз ишчиларига уларнинг унумли
меҳнат қилишлари учун ҳар тараф-
лама қўлай маданий-маънавий шароит
яратиб бериш талаб қилинсин.

Область партия комитети бюроси
ва область ижроия комитети колхоз
ва совхозларнинг меҳнаткашлари,
қишлоқ хўжалиги мутахассислари,
механизаторлар, бошланғич партия
комсомол ва касоба союз ташкилот-
лари бу вазифаларни шараф билан
бажарадилар, пахта ва бошқа қиш-
лоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-
риш бўйича зиммага олинган соци-
алистик мажбуриятларни муваффа-
қият бажарилишини таъминлайди-
лар, деб қатъий ишондилар.

☆

ҲАММА МИННАТДОР

Эрта тонг. Бир томони балан-
даст адирларга тутшиб кетган
кўз илғамас мовий пахтазор. Шу
пахтазор ичида бир киши эгат
оралаб бўзаларни қўздан кеч-
риб юрибди. Ҳар бир эгатага сув
худди ўлчаб қўйилаётгандек бир
текис оқаяпти. Ўз ишидан қўн-
ли тўқ бўлган сувчи шаҳдам қа-
дамлар билан қартининг эгати
томон йўл олади. Шу пайт унинг
қаршисидан касбдоши Холиқбой
ака чиқиб қолди. Ҳар иккала
миришкор кечаси бўзалар қандай
сув ичкачилигини текшира бошла-
дилар.

— Сув экиннинг қон томири
деб беиза айтмаганлар, — дейди
Абдулла ака касбдошига, — мана
қаранг, рўбарамиздаги бўзалар,
қониб сув ичкалидан кейинги
икки-уч кун ичида тизага ура-
диган бўлиб қолибди.

— Нимасини айтасиз, — деб
жавоб берди Холиқбой, — ўзин-
гизга маълум, бир неча йилдики
мен шу иш билан шуғулланиб
келамман, биродор, тажрибада си-
наб кўрдик.

Бу ҳар иккала миришкор сув-
чи Оққўрғон районидати Ворон-
цов номи колхозининг коммунист
ўртоқ Турдали Мўлабаевов бош-
лиқ бригадасида хизмат қиладилар.
Бу йил бригада аъзолари
103 гектар ернинг ҳар гектарига
дан 35 центнердан ҳосил етиш-
тириш учун курашмоқдалар. Аб-
дулла ака Ботиров, Холиқбой ака
Қорабоевлар олинган юксак маж-
буриятнинг шараф билан бажари-
лишига муносиб ҳисса қўшиш
учун суғориш ишларини гоёт си-
фатли ўтказишга ҳаракат қил-
моқдалар. Суғориш икки сменада
ташқил этилган.

М. ОЙДИНОВ.

Мусобақадор фарғоналиклар маслаҳатига амал қилиб, бўза парваришини кучайтирайлик!



Эрта Чирчиқ районидати Сталин номи колхозининг 4-бригадасида Меливой Солнев бошич-
лик қилаётган трактор-далачилик эвенсининг бўзалари ахши ривожланмоқда. Эвен бўзалари
бир неча марта икки томонлама сифатли парварини қилибди. Эвен аъзолари гектардан 45
центнердан ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратда: Эвен бўзасига ишлов
Б. Салов фотоси.

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг кенгаши

Тошкент область қишлоқ хўжалик
меҳнаткашларининг кенгаши бўлиб
ўтди. Кенгашда Фарғона пахтакор-
лари ўзаро текшириш бригадасининг
иш якунлари тўғрисида бригада
раҳбари, Фарғона область ижроия
комитети раисининг ўринбосари А.
Юдиннинг доклады тингланди ва му-
ҳокама қилинди.

Докладчи ва сўнгра музокарада
сўзга чиққан нотиқлар Тошкент об-
ласти меҳнаткашларининг бу йил
юксак социалистик мажбуриятлар
олганликлари тасдиқлаб, пахта-
корлар ҳосил учун курашнинг даст-
лабки даврида маълум муваффақият-
ларга эришганликлари айтидилар.
Гулистон район партия комитети-
нинг секретари К. Укюбеов, «Пис-
кент» совхозининг директори А. Ки-
селев, Интиер шаҳридаги «Комму-
нист» колхозининг раиси Т. Латипов
ва бошқалар ўзаро текшириш даво-
мида камчиликларнинг қандай бар-
тараф қилинганлиги тўғрисида, му-
собақадор дастларнинг маслаҳатла-
ри қандай амалга оширилаётганлиги
хақида гапириб бердилар.

Кенгашда Тошкент область партия
комитетининг биринчи секретари
Р. Ғ. Ғуломов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари бўза пар-
варшини кучайтиришга қаратилган
қарорлар қабул қилилар. (ЎЗТАТ).

Чорвадорларга кўча Қизил байроқ берилди

Область партия комитети бюроси
ва область ижроия комитети гушт,
сут етиштириш юзасидан олинган
социалистик мажбуриятнинг бажари-
лиш якунлари, давлатга чорвачи-
лик маҳсулотлари сотишнинг бори-
лиш, шунингдек барча турдаги чор-
ва моллари сонини қўйайтириш,
яйдовда боқиб ҳамда бўрдоқига
боқибни ташқил қилиш соҳасидаги
ишларнинг биринчи йилгача бўл-
ган якунларини қўриб чиқди ва
олти ой давомида чорвачилиқни
ривожлантиришда энг ахши кўрсат-
киларга эришганликлари учун қу-
йидагиларга кўча Қизил байроқ
топириш тўғрисида қарор қабул
қилиб:

Оққўрғон районидати «Оққўрғон»
совхозига (директори Ж. Анромов,
партия ташкилотининг секретари
Р. Бердиев, ишчилар комитетининг
раиси Л. Бобин ўртоқлар), Байроқ
Бекбод районидати 2- «Далвар-
ки» совхозидан олиб берилди.

Интиер шаҳридаги 3- «Бобу»
совхозига (директори М. Иноятов,
партия ташкилотининг секретари
А. Музафаров, ишчилар комитети-
нинг раиси А. Жданов ўртоқлар),
Байроқ 1-«Бобу» совхозидан олиб
берилди.

Оржоникидзе районидати «Қизил
Ўзбекистон» колхозига (раиси А.
Матқубулов, партия ташкилотининг
секретари Х. Элбўсинов ўртоқлар),
Байроқ шу райондаги Ленин номи
колхоздан олиб берилди.

Бўстонлиқ районидати Фрунзе

номи колхозга (раиси И. Ирисбоев,
партия ташкилотининг секретари Ф.
Разов, ўртоқлар), Байроқ Оққўрғон
районидати «Озод» колхозидан олиб
берилди.

Калинин районидати Оқунбобоев
номи колхозга (раиси С. Раҳматул-
лаев, партия ташкилотининг секре-
тари М. Юнусова ўртоқлар), Байроқ
шу райондаги Сталин номи кол-
хоздан олиб берилди.

Юқори Чирчиқ районидати
Свердлов номи колхозга (раиси Д.
Им, партия ташкилотининг секре-
тари Т. Эм ўртоқлар), Байроқ шу
райондаги «Полиотдел» колхозидан
олиб берилди.

Эрта Чирчиқ районидати Ленин
номи колхозга (раиси ўртоқ З. Ус-
манов, партия ташкилотининг секре-
тари И. Курбанов ўртоқлар), Бай-
роқ Интиер шаҳридаги «Комму-
низм» колхозидан олиб берилди.

Чорвачиликда ахши кўрсаткичлар-
га эришганликлари учун қуйидаги
колхозларда кўча Қизил байроқ
қолдирилди.

Қуйи Чирчиқ районидати Димит-
ров номи колхозда (раиси Шин Ден-
Дин, партия ташкилотининг секре-
тари Ли Чер Су ўртоқлар).

Гулистон районидати «Октябрь»
колхозига (раиси А. Брухтий, партия
ташкилотининг секретари С.
Файзиев ўртоқлар).

Янгиёул районидати Сталин но-
ми колхозда (раиси А. Ортиқов, партия
ташкилотининг секретари Ф.
Мадалиев ўртоқлар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 80-НИЕЗБОШИ САЙЛОВ ОКРУГИ ВА 35-ГВАРДИЯ САЙЛОВ

ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛОВЛАР

Депутатликка канди- датлар кўрсатилди

Янгиёул районидати Ленин номи
колхозининг 500 дан ортиқ пахта-
кори кеча Ниезбоши сайлов округи
бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети
депутатлигига кандидат кўрсатишга
бағишланган йилгида тўпланди.
Правление раиси Д. Мўминов йиги-
лиши оид, Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони агроном К. Азимовга сўз
берди.

Йигилиш қатнашчилари ўртоқ
Азимов қиритган таклифни давомли
қарасалар билан қўлиб олдилар. У
Ниезбоши сайлов округи бўйича Ўз-
бекистон ССР Олий Совети депутат-
лигига кандидат қилиб ўзбек халқи-
нинг содiқ фарзанди, республика
Министрлар Советининг раиси Ориф
Алимовни кўрсатади.

Миябрат таниқли чорвадор З.
Боймировга кўтарилади.

— Мен бутун қалбдан, — дейди
у, — ўртоқ Ориф Алимовни Ўзбе-
кистон ССР Олий Совети депутатли-
гига кандидат қилиб кўрсатиш тўғ-
рисидаги таклифни қувватлайман. У
севибли Ватанимизнинг тараққийи
учун, коммунизм қурилиш учун
ҳармай-тоғмай хизмат қилмоқда.

Колхоз партия ташкилотининг
секретари Х. Саидкаримов, Ниезбо-
ши қишлоқ совети раисининг ўрин-
босари Э. Мирзамуратовлар ҳам
ўртоқ О. Алимовни Ўзбекистон ССР
Олий Совети депутатлигига канди-
дат қилиб кўрсатишни қувватлаб
гапирдилар.

Колхозчилар йигилиши республи-
ка Министрлар Советининг раиси
ўртоқ О. Алимовни 80-Ниезбоши
сайлов округи бўйича Ўзбекистон
ССР Олий Совети депутатлигига
кандидат қилиб кўрсатиш ҳақида
бир оғиздан қарор қилди.

Кеча Тошкентдаги 3-мебель фаб-
рикасида 35-Гвардия сайлов округи-
дан қабуриб олинган депутат ўрнига
Ўзбекистон ССР Олий Совети депу-
татлигига кандидат кўрсатишга ба-
ғишлаб кўп кишилик йигилиш бў-
либ ўтди.

Октябрь район партия комитети-
нинг иккинчи секретари В. М. Трав-
ков сўз олади. У республика Олий
Совети депутатлигига кандидат қи-
либ коммунист партиянинг содiқ
фарзанди, Ўзбекистон КП Марказий
Комитетининг иккинчи секретари
Фёдор Егорович Титовни кўрсатиш-
ни таклиф қилди. Ўртоқ Травков
Ф. Е. Титовнинг таржимаи ҳолини
гапириб берди.

Фабрика техника бўлимининг бош-
лиги Ф. М. Бушин Ф. Е. Титовни
Ўзбекистон ССР Олий Совети депу-
татлигига кандидат қилиб кўрсатиш
хақидаги таклифни қувватлаб га-
пирди.

Корхона таъминот бўлимининг
бошлиги Ш. С. Винников бундай де-
ди:

— Фёдор Егорович Титов ўзининг
бутун ҳаётини коммунизм учун ку-
раш ишига бағишламоқда. Совет ку-

кумати унинг давлат ва халқ олдида-
ги хизматларини юксак баҳолаб, икки
марта Ленин ордени, уч марта Меҳ-
нат Қизил Байроқ ордени ва бир
қанча медаллар билан тақдирлаган.

— Ўтган йил охирида, — де-
ди шундан сўнг сўзга чиққан етарли
мастер А. Дадаҳўжаев, — ўртоқ Ти-
тов Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитетининг иккинчи секретари
қилиб сайланди. Бу вазифада у
ўзини ғайратли ва ишчан раҳбар си-
фатида кўрсатмоқда.

3-мебель фабрикасининг коллек-
тив бири оғиздан қабул қилинган
резолуцияда Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитетининг иккин-
чи секретари Фёдор Егорович Ти-
товни Ўзбекистон ССР Олий Совети
депутатлигига кандидат қилиб кўр-
сатишга қарор қилди.

Кеча пойтахтдаги маданий буюм-
лар ишлаб чиқарувчи фабрика, 6-
пиво заводи ва республика социал
таъминот министрлигида ўтказилган
йигилишларда ҳам Ф. Е. Титов кан-
дидати бир овоздан қабул қилинди.

Жасорат кўрсатиш, ижод этиш, моддий бойликлар яратиш керак

қилаётган ҳамма нарсани чеккага
сўриб ташламоқда.
Пленум арасаси бўлган шу
кунларда босиб ўтилган йўлга на-
зар ташлаш, эришилган муваффа-
қиятларни якунлаш фойдали бу-
лур эди.

2. ИРОДАСИ КУЧЛИ КЇШИЛАР

Маълумки, эскилини янгиликка
осонлик билан ўз ўрнини бўшатиб
бермайдил. Унга қарш узоқ давр
мобайнида қатъий билан кураш
олиб бориш керак. Шу нарсга қар-
рактарлик ҳаммадан кўра ёшлар,
ёш коммунистлар эскиликка қарши
қатъий кураш олиб бормоқдалар.
Хозирги вақтда заводда, унинг
чек ва бўлимларига асосан ёшлар
раҳбарлик қилмоқдалар. Чехининг
содiқ механизми, ҳозир завод ди-
ректори Барис Михайлович Шев-
ченко, темирчилик чехининг со-
дiқ механизми, ҳозир заводнинг
бош инженери Валентин Кузмиш
Суниталев ўртоқлар ҳам, бош техно-
лог Великий, бош конструктор
Ким ўртоқлар ҳам, асосий чехлар-
нинг бошчиқлари ҳам ёш кадрлар.

Заводнинг темирчилик —
пресс чехида қурилган олтига по-
ток линияси областимиз корхона-
ларининг коллективларига ахши
маълум. Бу линияларда қишлоқ
хўжалик машиналарининг ишчи
органлари, запас қисмлар тайёр-
ланмоқда. Улар ишга туширили-
ши муносабати билан заводда
қишлоқ хўжалик машиналарининг
ишчи органлари уч баробар кўп
тайёрлана бошладилар.

Бирок бу муваффақиятга осон-
лик билан эришилмади. Партия
бюроси, коммунистлар эскилик
тарафдорларига қарши қатъий ку-
раш олиб бордилар, улар билан
кўп марта бахslashиладилар. Поток

линияларининг тўрт-беш ой ичида
ишга туширилганга кўнлар ишона-
мади. Коммунистлар эса ўз олди-
ларига қўйган мақсадга эришил-
дилар. Биз барча зарур материал-
ларни ўз вақтида топишга, ички
резервларни ишга солишга муваф-
фақ бўлдик. Бу соҳада партия бю-
росига темирчилик-пресс чехининг
мастери Васильченко, ремонтчи
слесари Михайловичко, чех бош-
лигининг ўринбосари Яковлев, за-
вод бош технологияси Великий, ме-
ханизация чехининг бошлиги Саф-
розов ўртоқлар каби ёш комму-
нистлар яқиндан ёрдам бердилар.

Заводда техника прогресси кенг
миқёсда амалга оширилмоқда. Фа-
қат ўтган йилнинг ўзидagina иш-
лаб чиқарилган процессларнинг ме-
ханизацияларини амалга ошириш на-
тижасида 3 миллион сўмдан кўп-
роқ нуктисодий фойда қўрилди.
Рационализиаторлар олдинга сўри-
ган тартибларини амалга ошириш
натijasида олтинган 2 миллион
сўм фойда бундан мустаснодир.
Электр-эритиш печлари шикта
қалаш механизациялаштирилди,
янги наполь формовка конвейер
қурилди, биринчи механика-йигиш
чехида янги технология поток иш-
лаб чиқилди ва барча иш процес-
лари механизациялаштирилди, му-
каммал конструкциядаги янги
электр-эритиш печи қурилди, бир
қатор чехларда янги ускуналар
ўрнатилди, деталларни механик
ишлайининг группа методи жорий
қилинди ва ҳоказо.

Бу тадбирларни белгилаш ва
амалга оширишда партия бюроси
ҳар доим коммунистлар ва партия
сиш активларга таянган ҳолда иш
қурди, ўз илмининг методи кун
сайин узатариб борди. Жумла-
дан, ўтган йилнинг охирида пар-

тия ташкилотининг маъмурият хў-
жалик фаолияти устидан контрол-
лик қилиш ҳуқуқини амалга оши-
рувчи олтига умумавожд контроль
комиссияси ташқил этилди. Бу ко-
миссияларни партия бюросининг
зарбдор аъзолари дейиш мум-
кин. Қуноч чехини реконструкция-
лаш, янги техникани жорий қилиш
устидан контроллик қилувчи ко-
миссиялар айниқса намунали иш-
ламоқдалар.

3. ЯНА БИР ҒАЛАБА

Бу йил корхонада машиналар
бир неча янги хил маркасини
ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва
бу соҳадаги иш тўғрисида равиш-
да давом этирилмоқда. Ўғит май-
даловчи, бўзаточа ўрувчи, бўзани
чеканка қилувчи машиналар ва
бир қатор мосламалар шулар жум-
ласидандир. Корхонанинг юқ ҳав-
лисини олайлик. Ҳаёт доимо қай-
наб турган бу участкада юқ ор-
тиш ишлари бир минут ҳам тўхта-
майди. «ЧСМ» маркали қишлоқ
хўжалик машиналари ва запас
қисмлар Қирғизистон ва Озарбай-
жон, Украина ва Туркменистон,
Қозғистон ва Тожикистон каби
мамлакатнинг пахта етиштирувчи
республикаларига, Хитой, Хиндис-
тон, Бирма, Руминия, Болгария,
Бирлашган Араб Республикаси
каби дўст мамлакатларга тўхтов-
сиз равишда жўнатиб турилади.
Чет эллик юқори ҳосил усталари
корхонада ишлаб чиқарилган ма-
шиналарга жуда кўп марта юксак
баҳо бердилар.

«ТА — 5» маркали ўғит майда-
ловчи машиналарнинг биринчи се-
риясини ишлаб чиқарилган ва ана
шу агрегатлар тайёрланадиган
участка ишга туширилган кўнлар
завод коллективининг хотиридан
ҳеч қачон чиқмайди.

Худди шу кунни завод маҳсулот-
нинг янги турини серияли равишда
ишлаб чиқаришга киришибгина
қолмай, балки мукаммал тоқарлик
станоклари, электр-пайвандлаш ка-
биналари билан ускуналанган ва
бошқа техника қўлайликларига
эга бўлган янги ишлаб чиқариш
участкисидан фойдаланишга ки-
ришди. Бу участкадаги барча оғир
иш процесслари механизациялаш-
тирилган бўлиб, унда монорельс
йўллари, кўтарма асбоблар, кра-
нбалкалар ишлаб турибди.

Коммунизм. М. Панов бошлиқ
бўлган ва М. Мамунов партия
ташкилотининг секретари бўлиб
ишлаётган 2-механика-йигиш пехи
коллективининг иши маълумгина
савдордир. Пех ишчилари, инженер-
техник ходимлари партия ташки-
лоти раҳбарлиги остида ўғит май-
даловчи машиналар ишлаб чиқари-
ладиган участкани ишга тушириш-
да актив қатнашдилар.

4. ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ СОҲАСИДА

Ишлаб чиқаришнинг асосий
участкаларида новаторларнинг та-
шкiбуси билан комплекс механиз-
ациялашган бригадалар ташқил қи-
линди. Мисол учун, темирчилик-
пресс чехида комсомол аъзоси,
чех технология ўртоқ Колесников
бошчилик қилаётган бригадада му-
ваффақиятли ишламоқда. Қисқа
вақт мобайнида бригада аъзолари
нинг кучи билан чехда кўтарма
плошчадалар бўлган 25 та ара-
вача қурилди. Бу аравачалар за-
гатовкалар солинган идишларни
бир участкадан иккинчи участкага
ташишда ишлатилди. Бригада
аъзолари бошқа қўпгина янгилик-
ларни ҳам ўйлаб чиқардилар ва
ишлаб чиқаришга жорий қилди-
лар.

